

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



*Яна гул баҳор, яна кулган қиз,
Яна осмоннинг топ-тоза тағи.
Яна гулларнинг қайрилган барғи,
Қайрилган барғига инган оч салқин...*

Усмон НОСИР

БУГУН

ХАЛҚАРО

ХОТИН-

ҚИЗЛАР

КУНИ

Ушбу сонда:

МЕН БАХТЛИ ХАЛҚ ҚИЗИМАН	2-б.
ЙИГЛАШГА ҲАҚҚИ ЙЎҚ ЭДИ	3-б.
АДОЛАТ ПОЙДЕВОРИ	4-б.
«ЧИМИЛДИҚ»- ДАГИ КЕЛИН	7-б.
КАТРИН ДЕНЕВ	8-б.

МУНИС ОНАХОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛАР!

МУҚАДДАССАН, МУХТАРАМ АЁЛ!

ЙИГЛАШГА ҲАҚҚИ ЙЎҚ ЭДИ...

— Эй, худойим, Марямжонимга қувват бер, болагиналаримни паноҳингда асра...

Ярим йилдан бери шифохонада тўшакка михланиб ётган Робия бечора туну кун ҳарорат ичра илтижо қиларди. Уйда эндигина ўн икки ёшга кирган қизалоги Марям укаларига бош эди. Сигир соғиш, кир ювиш, нон ёпиш, уй йиғиштириш ташвишларининг ўзига бўлсаиди қоши... Бир ярим ёшли синглиси Раъно бир бешикда. Она бағрини кўмсаб, иккаласи ҳам бир-бирдан инжиқ. Кечаю кундуз бараварига йиғлашади. Бирига алла айтиб тевратлади, бирига ишдадаги сутни тутлади. Болалиқ ўйинларини аллақачон йиғиштирган Марям укаларига алла айтиди. Қизгинанинг шўр қисматида ачинган дунё унинг бошида алла айтиди:

*Икки бешиқ ўртасида гирёна жон,
Икки гўдак орасида парвона жон,
Кўҳна дунё йўлларида ҳайрона жон,
Шўр пешона Марям қизим, ҳорма энди,
Қизалоқлар чорлашганда борма, энди!*

Ишонч беғинамга қилинганда...

Бир тун сенинг ой дўғонинг, ам дўғонинг,

Икки гўдак кўлабиди нам дўғонинг,

Тандир, ўчоқ, кўша бешиқ ҳам дўғонинг,

Болалиқ видео айтиб ҳорма энди,

Шўх давралар кел, деганда борма, энди...

Қисматида кўҳна дунё йиғлаётганидан беҳабар Марям тинимсиз қуймандади. Бешикдаги укажонини ҳали болалиқ тафти кетиб улгурмаган бағрига босиб эркалайди. Онасининг тазалиб кетишини ёлвориб сўрайди. Ўқсинган ва пора дил билан, уйқусиз тунлар, азобга йўғрилган кунлар билан саккиз ойни ўтказганда, онасини шифохонадан олиб келишди. Онажонининг икки оёғи дўхтирларнинг нотўғри муолажаси туфайли ишишиб кетган. Фақат шифтага қараб ётади. Кенхатой ўғлини ҳам саккиз ойлик бўлганида қўриб турибди. Дўхтирлар аёлнинг тузалишидан умид узиб, уйига рухсат беришган. Шунда кимдир Қуюм табиининг дарагини айтишди, Марямнинг отаси Бахриддин ака бу кўргуликлардан айланиб қолган бошини табиининг остонасига ўрди. Ҳар жойга ҳам боравермайдиган табиининг норасидаларга раҳми келди, ҳар қалай. Келиб Робиянинг ярасини ёрди, икки ой тинимсиз қатнаб даволади. Робия оёқга турди. Бироқ... не азобларда улғайтирган укажониси энди ёшига етай деб турганда қўйўталдан вафот этди. Ўшанда Марям ҳаммадан кўп йиғлади. Чалоқ укасини унутолмай узун тунлар бўзлаб чиқди. Онасидан ҳам, отасидан ҳам кўп йиғлади. Укажонисини не азобларда улғайтирган эди, ахир... Аччиқ кўз ёшлар уни улғайтириб қўйди. Қаңчалар йиғламасин укажониси қайтиб келмади. Кейин Марям йиғламасликка ўрганди.

Яна бир йилдан сўнг онаси кўзи ёрий туриб вафот этди. Отаси қизалоғини уйга олиб келмай болалар уйига топширди. Сўнг кўп ўтмай, ўзи ҳам вафот этди. Марямнинг йиғлашга, енгиллишга ҳаққи йўқ эди.

Отаси Самарқанддан йўлнамалар билан келиб, Хатирчида ишлаётган эди. Болаларнинг ҳаммаси шу ерда туғилган. Ихрада туришарди. Ота-онасининг вафотидан кейин укаси Фарҳод, синглиси Раъно билан Марям ҳоласи қарамгоҳда қолди. Ҳоласиникига кўчиб ўтишди. Марям укаларига ҳам ота, ҳам она меҳрини бериши, уларни қоқишда ҳоласига ерданлашиши керак эди. Унинг кўз ёши тўқмоққа ҳаққи йўқ эди.

Етимларнинг ҳолига ачинган МТС директори ўн тўрт ёшли Марямнинг ишга олишга рози бўлди. Марям кундузи мактабда ўқиди, кунинда иккинчи ярмида ишга боради. МТСда телефон аллоҳисини бўлиб ишларди. Ҳар замонда аллоҳга директор қилиб қолса, қалт-қалт титрайди. Сен ёшсан деб ишдан бўшатиб юборса нима қиламан деб қўрқади. Иши тугагач, орқа-олдига қарамай, қўрқувдан қалтираб уйга югуради. Мактабда фақат аълога ўқийди. Синфдошлари ҳурмат қилишарди. Муаллимлари яхши қўришарди. Тўққизинчи синфга ўтганида, мактаб директори «Қизим, кўп азоб чекдинг», деб, Марямни қотибаликка ишга олди.

Мактабни аъло баҳоларга битирган Марям Самарқанд давлат дорулфунунининг химия-биология факультетини сиртдан ўқиб битирди. Ўзи ўқиган 7-урта мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди. Унинг серғайрат ва ташкилотчи, меҳнатсевар, камтарин эканлигидан хабар толган Хатирчи тумани раҳбарлари ишга таклиф қилишди.

Ёшлар билан тил топибди, ёниқ юраклар сафиди беш йил сарқорлик қилди. Каттаю-кичик уни Марям оламиз деб эъзозлашарди. Ўша йилларда ёшлар ўртасида маккажўрхорлик бригадалари ташкил этиш, турсуночилик ҳаракати авж олган эди. Юз нафар ёшларни олиб бориб Мирзачўлда пахта терган дамлар, палаткада кечган бир ойнинг завқларию азобларининг ўзи бир тарих.

Бу орада укаси ва синглисининг олий маълумот олишига ёрдам берди. Улар оилани, уйли-жойли, фарзандли бўлишди. Яхши мутахассислар бўлиб етишди.

Марям опа ҳам келса кемириб, сўв келса симириб, фақат олға интилиб яшайверди, қурашверди армонлар билан. Бу даврларда Самарқандда онанинг оёғи етмаган жой кам қолган бўлса керак.

Онанинг бир оғиз илиқ сўзига, ёрдамига муҳтож қанча хонадонларга ташриф буюрди. Нурободдаги Ибн Сино номли санатория қўришга бош-қош бўлди. Республикада биринчи бўлиб тadbиркор аёллар уштинини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқди. Бугунги кунда уштининг миңдан ортиқ аъзоси бор.

Марям Шодиева элу юртининг иззати, ҳурматида сазовор бўлди. Энг чекка туманларга бурса ҳам онани дарров таниб олишарди. Албатта кимгадир яхшилик қилган, ким биландир бирга ишлаган, кимнингдир қувончу ташвишларини бирга баҳам қўрган бўлиб чиқади. Қўксини беэзаган қатор медаллар, иккита орден, кўпала фохрий ёрликлар онанинг тиним билмас қунари, мазмунли умри ҳақида ҳикоя қилади.

Опа ҳамон тиниб-тиниб ўтирганлари йўқ. Виллят хотин-қизлар қўмитасининг раёсати аъзоси сифатида турли тadbирларда иштирок этади. Ёшлардан маслаҳатини, меҳрини аямайди. Давраларнинг турлидан жой олади. Оилада эса иззатли бека. Турмуш ўртоғи Жўракул ака Мусоев билан бирга катта оиланинг хизматига. Ўн олти невараси, икки эвара, бахти ҳаёт кечирмаётган фарзандлар қўршолида. Опа бугун фалон ёшда десак, ноҳақлик бўларов. Негаки, бир вақтлар этагига етиб тўлғонган сочлар ҳали-ҳамон ўшандай - узун ва қалин. Ўзларидан ажин йўқ. Ўйда атласларга бурканиб, келинчақлардай юради. Кўнгил орзу-хавасларга тўла ва ёш. Марям онани қўтлуғ ёшлари билан қўтлаб, ҳаммаша шундай жозибали, ғайратли бўлиб қўришларини тилаб қоламиз.

*Бу аёл бардошдан, шурдан аралан,
Ҳеч ким қўрган эмас, тўққизини кўз эди.
Пўлатдан, меҳрдан, қўрдан аралан,
Ҳеч қачон сўймайди қалбиди оташ.*

Хосият БОБОМУРОВА

Ривоят қилишларча, бир юртнинг подшоҳи ўлими олдидан ўз тахтига ворис этиб фарзандлардан бирини эмас, балки кенжа хотинини қолдирган экан. Сабаби кенжа хотин нафақат ҳуснда балки ақлу заковатда ҳам тенги йўқ экан. Алқисса, ўша аёл кун билан юрт сўраркану, кечалари эса ёлғиз ўғлига ўз қўли билан тандирда нон ёпиб бераркан. Чўки барибир она экан-да.

Дарҳақиқат, дунёда фарзанд учун онадек азиз зот, она меҳри каби эзгу ва лазиз туйғу йўқ.

Урта мактабда ўқирдим. Мурғак қалбларимиз дунёни эндигина англаётган, ҳали болалиқнинг бегубор соддаликлари, ўйинқароқликлари бизни тарқ этиб улгурмаган. Онгу шууримизда Ватан, Она юрт каби муқаддас тушунчалар энди-энди шаклланаётган пайт.

Ўқитувчимиз доим ўзига оро бериб юрарди. Ҳатто дарс пайтида ҳам бежиримгина чарм сумкачасидан қичкина кутичани олиб юз-кўзларига турли ула-эликларни суртиб, дам-бадам ойначадига қараб оларди. Кўнора янги либос кийиб келадиган, баъзан бизга топириқни бериб қўйиб, синф хонасига кириб келган тарих муаллимаси билан палочна дўхона янги материал келганлиги, пистонча онанинг ўтган кунги писмадончанинг «вечир-ига кийиб борган қўйлаги ҳақида суҳбатлашиб ўтирадиган муаллимимизни эсласам ёдимга мана бу воқеа тушади.

Баҳорнинг илк кўнлари эди. Ўқитувчимиз ўзига хос тавозе билан синфга кириб келди-да, эртага 8 март - халқаро хотин-қизлар байрами эканлиги, шунинг учун бугун «Менинг онам» мавзусида ишчи ёзишимизни тайинлади. Ҳаммамиз ишга киришиб кетдик. Бир оздан сўнг ўқитувчимиз биз ёзган ишчиларни териб олди. Шунда улардан бирини қўлига олди, кўз югуртириб чиқди. Бир оз ўқигач, олдинги парталардан бирида ўтирган синфдошимизга қараб: «Шу гапларни сен ёзддингми? «Перашка» сотувчи онанинг жа мактаб-жўрибсан-ку». Кейин секин қўшиб қўйди «Тузукроқ кийинишни ҳам билмайди-ю» дея лабини буриштирди. Шунда галати воқеа содир бўлди. Синфдошимиз кўзи жиққа ёшга тўлганча ўқитувчимизга шундай тикилиб қарадики, бу қарашларга Ҳатто унинг буюклар чаплаган қўзлари ҳам бардош беролмай ўзини олиб қочди. «Ўзинг... ўзинг ёмон малимсан». Бошқа гапиролмади. Уқдай отилиб синфдан чиқиб кетди.

Синфдошимизнинг онасини яхши танирдим. Ростдан ҳам у ҳар кунги туш пайтида мактабимиз ховлисида «пешашки» сотгани келарди. У келиши билан атрофини бир тўда болалар қўшаб олиб «менга иккита», «менга тўртта» деганча қўлларини чўзишарди. Албатта, «пешашкини» пули борлар олишарди. Аммо пули бўлмаган болалар ҳам уларга ҳавас қилганча, озгининг суви оқиб термулиб турарди. Синфдошимизнинг онаси эса пул чўзган қўлларга қарамай, улар атрофидан турган «пулчиларга» қараб, «Қани келинлар, сизларам. Ҳозир пулларинг бўлмаса, кейин берайсизлар», деганча қайноқ «пешашки»лардан узатиб чиқарди. Аммо эртаси кунги ўша болақайлардан пул сўрамасди. Қайтага «Қани, кел, катта бўлиб, пул топар бўлсанг берарсан» дея қўлига «пешашки» тутарди...

Ўша воқеанинг эртаси кунги синфдошим мактабга келмади. Аммо учинчи кунги синф хонамизга аввал унинг онаси, кетидан тўшайганча истар-истамас синфдошимиз кириб келди. Рости ҳозир роса жанжал бўлади, деб ўйлагандик. Йўқ, ундай бўлмади. Синфдошимизнинг онаси ўқитувчимиз билан саломлашиб, худди айб иш қилиб қўйгандек, ялингансимон:

— Бунчи қаранг, эгачи. Уч кундан бери мактабга келмас эмиш. Ҳар кунги попкасини қўлига олиб чиқиб кетарди. Бугун билибман. Шу болаларни отасидан катта қўламан. Шулар зорикмасин деб «пешашки» қилиб сотаман. Буларнинг қилиб юрган ишини қаранг. Энди бирор айб иш қилиб қўйган бўлса керак-да. Кечириб, қўяқолинг. Бошқа бундай қилмайди.

Кейин ўғлига қараб:

ОНАМИНГ ЮРАГИМДАГИ СУРАТИ

— Қани устозингдан, кечирим сўрачи? — деди.

Синфдошимиз бир оз жим турди-да, жуда паст овозда, бўғилиб «Кечирасиз» деди. Ҳаммамизнинг кўзимиз ўқитувчимизда эди. Қўзлари бақрайганча бир аёлга, бир ўғлига қараб: — Йўқ... э, ўлгингиз... ўзи ях...ши бола... — дея олди ҳолос.

Бу воқеа менга жуда таъсир қилганди. Синфдошим онасини мактагани учун кечирим сўраганиди. Назаримда унинг онаси бўлиб ўтган воқеадан хабардор эди. Бироқ негадир у ҳақда бир оғиз ҳам гап очмади. Аммо у шунинг ўзи билан ҳам ўқитувчимизни «жазо»лаб бўлганди. Онанинг юрагидан тоғдек ғазаб ҳам бир зумда меҳрга айланиши мумкин эканлигига ана ўшанда илк бор гувоҳ бўлганман.

Назаримда, оналарни нималаргадир қийс қилишганда, барибир кўнгли тўлмайди. Улар аёллиги, оналиги учун қандай бўлса, шундайлигича гўзал, ардоқли. Танамизга зиралча кирса, киприклари билан сугуриб оладиган, ўз фарзандига тикан дардини ҳам раво қўрмайдиган зотларни қандай қилиб тоифаларга бўлиб оламиз.

Унинг оқ сути, бедор аллоси билан бирга миттигига жуссага меҳр-оқибат, садоқат, саховат, эзгулик каби улугъ неъматлар жойлашади. Аслида ватан ҳам онадан бошланмайдими? Баъзан уй юмушларидан аримай, ювинишга ҳам вақт тополмай, тер ҳиди анқиган қайноқ қучоғи жаннат боғлари каби ифори, Ватан сарҳадлари каби кенг, осмон қадар бегубор.

Мен оиламизда яхча ўғилман. Мендан кейин тўртта қиз бор. Шу боисми онам кўпроқ mening қўнглимга қарайди. Ҳеч қачон қаттиқ урушмаганлар. Мен ҳам шу муҳитга, муносабатга қўнқиб қолган эдим. Аммо бир кун...

Мактабда 5-ё 6-синфда ўқирдим. Синфдошим билан муносабатим қолдик. Оқибатда унинг бурни қонади. Менинг эса қўйлагимнинг ени йиртилди, ҳолос. Аммо мен бунга парво қилмасдим. Синфдошларимга мактангазимон, қўрагимни кериб, папкамини олдимида уйга жўнадим.

Уйимизга яхиялашам, боғи мен бурнини қонатган синфдошим онаси билан бизникидан қийиб келаяпти. «Ха, номард, дарров бошлаб келибди-да» дедим ичимда. Ўзимни пананага олиб, улар қўздан узоклашган секин уйга кириб келдим. Онам мени кўрди-да, бошдан - оёк разм солиб чиқиб, қўйлагим тик қаради. Мен бу қарашга чиқолмадим. Ерға қардим. Ҳозир урушсалар керак, деб ўйлагандим. Йўқ, онам ҳеч нарса демасди. Чўқур бир ўрсинди-да, ошхона томонга кетди. «Ҳар қалай, уришмадилар-ку» дедим ўзимча ва онамга кириб кетдим...

Эрта тонгда бирдан уйиқотиб кетдим. Қарасам, мактабга кетам пайтим бўлиб қолибди. Ҳайрон бўлдим. Ҳар кун «Мактабга кеч қоласан», дея уйғотадиган онам, негадир мени уйғотмабди. Ўст-бошимни қийиб, ювиндим-да, ошхонага ўтдим. Онам кичкина синглимини оқватлантириб ўтирарди. Салом бердим. Онам эса алик олмади. Пиёлага чой қўйиб олдимга суриб қўйди. Англадимки, онам мендан қаттиқ ранжиган. Чойимни ичдим-да, бир ҳолда мактабимга жўнадим.

Мактабдан келганимдан кейин ҳам онам менга бир оғиз сўз айтмади. «Кел, ўғлим, Очқандирсан, оқватланиб ой» дейдиган онам, қўшнингига қийиб кетди. Бу ҳол бир ҳафтагача такрорланди. Мен гўе бир нарсасини йўқотиб қўйган телбага ўхшардим. Футболга қариб қолган ўртоқларимни жерқиб ҳайдардим. Хонамдан қийиб кетдим. Ҳеч кимни кўргим келмасди. Ҳатто баъзида ўқиб бўлиб, йиғлаб ҳам олардим. Очғи мен онам билан бир уйда бўлиб, онамни соғиниб ашардим. Унинг мени эркалаб бағрига босишларини, мен билан суҳбатлашишини жудаём хоҳлардим. Бироқ онамдан савдо қилмасди. Яқшана кун эди. Ошхонага кирсам, хонтахтазимнинг бир оёғи қийшайиб қоллибди. Ҳаелимга келган фикрдан юрагим яяраб кетди. «Ҳозир бунинг оёғини тўғрилаб қўяман. Онам қўриб, мени кечиради».

Болға, мий олиб келдим. Хонтахтанинг оёғини тўғрилаб, болға билан мий қоқа бошладим. Шунда тўсатдан болға билан қўлимни уриб олдим. Қўзимдан ўт қачнаб кетди. «Ай» деганча қўлимни озгизимга тикдим. Шунда елкам ортида қандайдир ниҳончинг тикилиб турганини ҳи эйтиб ортимга қарашдим. Онам юзи бир ҳолда қараб турарди. Иккимиз ҳам бир-биримизга тикилгунча қанча турдик билмайман. Қарасам, онамнинг кўзларидан ёш томаяпти. Ўзимни туттолдим, унинг қучоғига отилдим. Иккаламиз ҳам худди юз йил қўришмагандек бир-биримизни қаттиқ қучоқлаб олганча, тинмай йиғлар эдик. Мен нега йиғлаётганимни билмасдим. Қўлимдаги оғриқданми, ёки онам мени кечирганидан қувонганимданми? Билмадим, ҳали-ҳануз билмайман...

Жаҳонгир ШАРОФОВ

ТҶҲАТ ҶРНИДА

**БЕРДИЁР
АҲМЕДОВ
90 ЁШДА**

Хурматли Бердиёр Аҳмедович! Инсон умрини оқар дарё дейдилар. Сизни биз, шоғирдларнинг доим мавжлашиб оқаётган дарёга қиёс қиламиз. Бушнинг боиси Сиз ҳар доим шоғирдларнинг бағрикенглик ва санимийлик билан ҳуқуқшунослик касбининг сир-асрорларини ўргатиб келдингиз. Сизнинг босиб ўтган ҳаёти йўлингиз ҳар бир шоғирдларнинг учун катта мактабдир.

Бердиёр ака! Бугун 90 ёшнинг қарашасиз. 90 ёш айтишга осон. Сиз ана шу даврда қанчалик суроли йўллари ва йилларни босиб ўтмадингиз. 1933-35 йилларда Сиз ўзбек генерали Собир Раҳимов билан Самарқанд шаҳрида ҳарбий хизматда бўлган даврларингизнинг ўзи бир тарих.

Сизнинг ҳаёти йўлингиздан ибратли мисолларни қўлаб келтириш мумкин. 1939 йил Тошкент Юридик институтини битириб, Самарқанд вилояти прокурори ўринбосари бўлиб ишлаб юрган пайтларингиздаёқ Сиздаги прокурорларга ҳос билим ва қатъиятликнинг ҳамкасбларингиз хануз эслашди.

Сиз Наманган вилояти прокурори бўлиб ишлаганингизда адолатларвар инсон сифатида эл назарига тушган эдингиз. Адолатли инсон ҳеч қачон қам бўлмайдди. Этим деб, ҳалким деб ишлаган пок инсонни Аллоҳ ҳам қўллайди.

Сизга юксак иншон билдирилиб, 1943 йил 33 ёшингизда Республика Бош прокурорининг биринчи муовини вазифасига тайинлашди. Сиз бу вазифани юксак даражада уддаладингиз.

1954 йили Сизнинг ҳаётингизда қувончли воқеа юз берди. Сиз ўша йили номзодлик ишнини муваффақиятли ҳимоя қилдингиз. Сиз ҳаётда ҳар доим интилиб, курашиб яшайдиган, шу боис сизга ҳаминча омад-қулиб бокди. Мухтарам устоз, бугунги кунда республикамизнинг қайси бурчагига борманг, Сизни қучок очиб қутиб олувчи шоғирдларнинг қўли. Устоз учун шоғирлар қамолини қўриш катта бахт. Бугун Сиз шундай бахтга мушарраф бўлиб турибсиз.

ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети)нинг ҳуқуқшунослик факультети декани ва жиноят ҳуқуқи кафедраси мудири вазифасидаги 34 йиллик фаолиятингиз даврида Сиз яратган дарсликлар ва илмий ишлар бугунги кунда ҳуқуқшунослик фанига қўшилган катта ҳисса эканлигини ҳамма бирдай эътироф этмоқда.

65 йиллик амалий ва илмий фаолиятингиз давомида «Республикада хизмат кўрсатган юрист» унвонидан ташқари, Ватанингиз юксак орден ва медалларига сазовор бўлганлигингиз маъмули умрингизга берилган муносиб баҳодир.

Хурматли дола! Сизнинг 90-баҳорингиз мустақиллигимизнинг 9-баҳорига тўғри келмоқда. 90-баҳорингиз қутлуг бўлсин! Фарзандларингиз ва шоғирдларингиз бахтига доим соғ-омон бўлинг. Яратганингиз ўзи умрингизни энг-да қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси жамоаси

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Адолат. Бу сўз замирида поклик, тўғрилик, ҳақиқат мужассамдир. Шу боис ҳам инсон ярилибдики, адолат истайди, адолат учун курашиб яшайди.

Ушбу мавзудаги суҳбатимизга Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр ШОМИРЗАЕВни таклиф этганмиз.

— Бахтиёр Шомирзаевич, қўлингиздаги суҳбатимиз, айниқса соҳибқирон бобоқолонимиз Амир Темур таълимотида миллиятингизни қўлиниб, бу борадаги фикрингиз?

— Адолатпарварлик — инсондаги соғлом ақл, тоза кўнгил, олижаноблик ва мардликни кўрсатиб турувчи юксак қадриятдир. Дунёда адолатпарварликдан кўра шарафлироқ, таъсирлироқ неъматни топиш мумкин эмас.

Мамлакатнинг осойишталиги, ободлиги, халқнинг тинч-тотув яшаши, турмуш фаровон бўлиши, энг аввало, адолатнинг қай даражада қарор топганлигига боғлиқдир. Биз бундай саховат ёғдуларидан баҳрамандмиз. Узокни кўра билган доно ва олижаноб юртбошимиз адолат маънавиясини баланд қўтариб, йўлимизни ёритиб турибди. Халқимиз адолат йўлидан бориб, дунёга юз тутди.

— Адолатни қарор топтириш прокуратура идораларининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолди. Бу иш бевосита қарор билан боғлиқ. Кейинги йилларда қарор ташлашда ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётми. Жумладан, прокуратура тизимига ҳам қўлаб оидроқ ёшлар қарор келди. Ик натижалар қандай?

— Ишбилармон, мардлик ва ишжаоат соҳиб, оқил ва адолатпарвар бир киши минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир. Ватанига, халқига садоқатли бундай кишиларни ёшлар орасида ҳам қўлаб учратиш мумкин. Тан олиш керак, ёшликнинг ишжаоати қиёсиз муъжиза яратишга қодир. Чинакам истеъдод эса жамиятнинг маънавий бойлигидир. Шундай экан, энг аввало, инсондаги истеъдод ва заковат, маънавият қадр топсин.

Агар қузатиб борган бўлсангиз, муҳтарам Президентимиз иккинчи қаҳирхалк депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқларида қадр танлаш машаққатлари ҳусусида жуда қўйиниб гапирдилар. Қадрларни жой-жойига қўйишда биз ҳам

АДОЛАТ ПОЙДЕВОРИ

ана шу мушкулликларни қалбан ҳис этамиз.

Прокуратура тизимига ёшларнинг кириб келишини ижобий баҳолайман ва ўйлайманки, бу тадбир яқин йиллар ичида ўз самарасини кўрсатади. Энг асосийси, ҳаётларнинг адолатли бўлишларини тақозо этади. Бу бунга эришялгимиз деб ўйлайман.

— Бахтиёр ака, бевосита прокуратура фаолиятига тўхталасан. Айрим шахслар томонидан йўл қўйилган қўнунбузарликлар оқибатида етказилган зарарлар ҳақида қўп таъбиримиз. Нўноқ раҳбарлар айби билан банкротлик ҳолатига келиб қолган қорхона ва ташкилотларнинг жамиятимизга етказилган зиёнлари-чи? Назаримда, банкротлик ҳолатлари бирмунча кўпаймоқда.

— Бу — бозор қонуни. Уси бозор ривожлана олмайдди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорхоналар банкротлиги ва санация механизмининг тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қорхоналарнинг банкротлиги» тўғрисидаги қўнунларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан ҳам мунтазам назорат ўрнатилган. Биз кўпроқ қорхонани банкротликка олиб келган сабаблар ҳақида бош қотиришимиз, уларни бартараф этиш йўллари топишимиз керак.

Тегиришларда бундай сабаблар аниқланапти ҳам. Вилоятда ҳўжалик қўритувчи субьектлар раҳбарларининг боқимандалик қайфияти, масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги, шартнома мажбуриятларининг бузилиши қорхоналарнинг қасод бўлишига олиб келяпти.

Қорхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича вилоят

ҳокимлигининг махсус ҳайъати тузилган. Ҳайъат йўғилишларида 142 та иқтисодий ноқор қорхонанинг молиявий аҳоли ўрганилди.

Молиявий фаолиятини зарар билан якунлаган қорхоналардан бири — 129-сонли Автосарой, «Ба-

миқдордаги жамоат мулкани талон-тароғ қилишгани аниқланди. Мазкур жиноят иши тегиририлиб, айблов ҳулосаси билан Самарқанд вилоят судига юборилган.

Қайд этмоғимиз лозимки, вилоят прокуратураси иқтисодий жино-

ҳодир — Самарқанд» ва «Махсус ҳиссадорлик жамиятлари санация қўллаш ҳақида қарор қабул қилинди.

1999 йил мобайнида зикр этилган қонуннинг 5-моддасига асосан 124 та ҳўжалик қўритувчи субьектни банкрот деб эътироф қилиш ҳақида вилоят ҳўжалик судига аризалар киритилди ва шулардан 100 таси банкрот деб топилди. Айни пайтда 90 та қорхона ва ташкилот давлат реестеридан чиқарилган.

Ўтган йил давомида банкрот деб эътироф этилган қорхоналарнинг жами қарзлари 287 миллион 704 минг сўмни ташкил этади. Шундан давлат улуши бўлган қорхоналарда қарзлар 148 миллион 176 минг сўмни, давлат улуши бўлмаган қорхоналарда эса 139 миллион 529 минг сўмни ташкил этган. Мазкур қорхоналарнинг 64 миллион 767 минг сўмлик мол-мулкларини сотиш орқали кредиторларнинг 133 миллион 91 минг сўмлик қарзлари қопланган. Бу йўналишда тегиришлар давом этмоқда.

— Мамлакатимиз иқтисодий фаолиятида коррупция, талон-тароғ ва шу каби бошқа суиистеъмолик ҳолатлари ўз таъсирини ўтказмасдан қолмапти, албатта. Бу борада олиб борилаётган ишлар қандай натижа берапти?

— Вилоят прокуратурасининг таъки иқтисодий фаолиятида коррупция, талон-тароғ ва бошқа суиистеъмоликларга қарши кураш бўлими томонидан ўтган йили 34 та жиноят иши қўритувга қабул қилинган. Ушбу жиноят ишларининг 27 таси судларга юборилди.

Пастдарғом туманидаги Н.Фафоров номли пахта қабул қилиш пунктининг бир гуруҳ моддий жавабгар шахслари ўз мансаб ваколатларидан фойдаланиб, жуда қўп

ятчилик ва коррупцияга қарши қураш бўлимида ҳам тергов сифатини яхшилаш, айбдор шахслар томонидан етказилган зарарни ўндириш борасида қатор амалий ишлар қилинапти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли қарори жўларда қандай ижро этилмоқда?

— Минг афсуски, барча жўларда ҳам бу Қарор қўнгилдагидек бажарилипти, деб бўлмайди. Пастдарғом тумани Жума деҳқон бозорида ўз фойдасини қўзлаган айрим шахслар ҳеч қандай ҳўжжасиз ун, макорон, чой каби маҳсулотларни рўйроқ сотишмоқда. Биргина мисол: фўқаро Ж.Норбекова деҳқон бозорида шахсий дўкон очиб, туман давлат солиқ инспекциясидан қандай гувоҳномаси олмасдан, ун, чой, шакар, макорон, ўсимлик ёғи, ҳўжалик совуни ва шунга ўхшаш маҳсулотларни ноқонуний равишда сотаётганлиги маълум бўлди.

Ҳақли савол туғилади: айнан таъминот учун белгиланган бу озиқ-овқат маҳсулотлари ҳусусий дўконлар пештахталарига қайси йўл билан келиб қолди экан?

Таъминотдаги бундай қонунбузарликларни Жомбўй тумани Улғубек номли савдо бирлашмаси, туманининг «Мархаб» савдо қорхонаси қарашли дўконларда ҳам учратиш мумкин.

Каттақўрғон туман савдо акционерлик жамиятига қарашли баъзи дўконларда белгиланган 8 турдаги маҳсулотлар етарли эмаслиги билан бир қаторда қаридорлар ҳақида хиёнат қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ўқорида айтилган Фармон ва Қарор талаблари бажарилиши шарт, албатта. Уни ижро этишда қонунбузарликка йўл қўйган шахслар жазоланмасдан қолмайди.

Сўхбатдош: М.АЛОВУДИНОВ

**ЖИНОЯТЧИ ЖЕНТЛМЕН**

АҚШнинг Иллинойс штатидаги Жолет шаҳарасида содир этилган босқинчилик жинояти ҳаммамни ҳайратга солди. Гап шундаки, ярим кечаси қаҳвахонага ўғирлик учун кирган жиноятчи сотувчи аёлни мажбур қилган... сотувдаги ҳамма тортни ейишга. У сотувчи аёлга тўппонча ниқтаганча, унинг қандолат маҳсулотларини қандай паққос туширишини томоша қилиб ўтирган. Аксига олганди, харидор аримайидан қаҳвахонага шу орада ҳеч ким қирмабди. Сотувчи аёл — Стэнли бу «олижаноб» жиноятчига бўйсунибдан бошқа чора тополмади. Жиноятчи эса қотиб-қотиб қулганига, «тортхўр»нинг торт ейишини нақ ярим соат томоша қилган. Стэнлининг эса бешинчи ёки олтинчи тортни деб бўлиши билан бўлағидани бўлган эди. Лекин қуролли жиноятчининг «марҳамати» билан нақ 24 та тортни еди ва ҳушидан кетиб йиқилди. Шундан кейингина, жиноятчи қассани «тозалаб» чиқиб кетган.

Воқеа содир бўлган жойга етиб келган полициячилар анчагача бошларини қотиришди, жиноятчи нега бу йўлни танлади экан, деб. «Қўп йиллик иш тажрибамда бунақасига биринчи марта дўқ қилишим, — дейди полициячи Стивен О'Нейл, — қаранга-а, бандит инсонпарвар экан, у сотувчини уриш у ёқда турсин, ҳатто ҳақорат ҳам қилмабди». Стэнли полицияга босқинчининг қилмигини аниқлашда ёрдам бера олмади. Врчаларини айтишча, бундай «зиёфат» Стэнлининг ошқозон ва асаб фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Сотувчининг ўзи эса, 24-торти еб ҳушидан кетгани учун, ҳудуга шўқ қиляпти. Чўнки, яна 50 та торт бор эди-да.

6 ЁШЛИ КОТИЛ

АҚШдаги мактаблардан бирида содир этилган қотиллик тафсилотида аниқликлар қиритилмоқда. Buell Elementary Schoolда 6 ёшли ўғил бола ўз синфидоги тенгдош қизчини синфдошлари ва муаллимасининг кўз ўнгидан отиб ташлади. Қизалоқнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Мичиган полицияси 6 ёшли боланинг қўлига ўқотар қурол қандай тушиб қолганлигини аниқлаш билан овора.

Маълум бўлишча, полиция ўша қотил болақанининг қўлини, 19 ёшли йигитчадан гумон қилмоқда. Агар бу гумон исботланса у қотилликка алоқадор ҳисобланади.

Қотиллик сабаблари ҳам аниқликлар қиритилмоқда. Болақай синфдошига ўқ ўзган кундан бир кун олдин у билан мактаб майдончасида мушталашган. Жиноятчининг тасдиқлашча, у бор-йўғи муштумзўр қизча-ни қўрқитмоқчи бўлган.

БЕФАРҚЛИКНИНГ

Ҳар гал янги жиноят ишини таҳлил қилаётиб, суд учун айблов сўзи тайёрлаётиб юрагимнинг тўб-тўбидан бир савол отилиб чиқади. Нега шундай бўлди? Бу воқеа рўй бермаслиги мумкинми? Жиноятнинг томири қарар?

Кишини жиноятга бошловчи қўч-нафс. Аксарият кишилар енгилтақлиги, қалбталибди оқибатида боши берк қўчаларга қандай кириб қолишганини сезмайди. Бу қимсаларнинг ақиллари, қариндошлари, умуман атрофдагилар уларни бораётган йўлларида қайтаришга ундашадими? Тўғри йўлга солишга уринишадими? Бахтга қарши, бу савдоларга ҳар доим ҳам ижобий жавоб олишимиз мумкин. Негаки, жуда қўпчилигимиз бир қасалликка мубтало бўлганмизки, уни даволаш бағоят мушкул иш. Бефарқлик деб номланган бу дарддан ҳалос бўлиш учун кишига шижоат, меҳр ва оқибат керак.

Атрофга назар солар эканмиз, қўнгилимизда «Менга нима?» деган фикр кечади. Баъзиларнинг буни ҳатто тилимизда ҳам қўп такрорлаймиз. Қўчада икки йигитнинг мушталашётганини қўриб қолсан, қўзни қўриб ўтиб кетамиз: «Бадтар бўлишимиз». Қўшимчимизнинг ёшгина ўғилчаси сигарет чекаётганини қўрсак, тиржайиб қўямиз: «Яшавор, йигит бўл қолсан-ку». Кимнингдир йиглаётганини қўрсак, гижинамиз, ёрдам сўрашса, ҳажлимиз чиқади. Аммо... бефарқликнинг залворли тоши бир кун илқамиздан босиб қолишини ўйламаймиз...

...Тўнги соат иккилар эди. Гулнора эшикнинг бетўтов тақиллашидан қўчиб уйғонди. «Нима гап экан, тинчлик бўлсин-да ишқилиб».

— Ким? — секин овоз берди у.

— Оч эшикни, — кимдир русчалаб бақирди.

— Кимсиз, нима иш билан келдингиз? — қайта сўради Гулнора.

— Ишинг бўлмасин, оч дегандан кейин оч-да.

Гулноранинг юраги ўйнаб кетди. Хонасига ўтиб қалтираб ўтирди. «Ўғри шеклли», ҳаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. «Эй, ҳудо, ўзинг асра», пичирлади у.

Эшик беармон тақиллади. Бир пайт тарақ этган овоз чиқди, эшик очилиб ичкарига бир қорей йигит кириб келди. Гулнора додлаб юборди.

НУҚТАИ НАЗАР

ФУРСАТ ЕТДИ

Бу маъруза юртбошимизнинг ушбу юксак лавозимга қайта сайланганидан сўнг биринчи чиқиши эди. Табиийки, у яқин келгусидаги фаолиятимизнинг бош мақсад ва мазмунига бағишланди. Ҳаётимизни янгилаш ва ислох қилиш борасидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Шу боис у, менимча, республикамизнинг ҳар бир фуқаросида катта қизиқиш уйғотган бўлса керак.

Шукурки, бу оташин нутқни тинглар эканман, кўксимга ёқимли бир шабада теккандек бўлди. Енгил нафас олдим. Сўнг маъруза чоп этилган газетани топиб ўқидим. Унинг мағзини қақишга ҳақират қилдим.

Унда чиндан ҳам шior қилиб ёзишга, байрок қилиб кўтариб юришга арзигulik фикирлар билдирилган. Демак, бош мақсадимиз эркин демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятига мустоҳкам пойдевор яратилганидан иборат. Шу мақсадда мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш муҳимдир. «Бу жараёнда аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаолиятини кўнатириш... лозим». Шу муносабат билан мен ҳам ўзимга тинчлик бермай келаётган айрим шахсий фикр-мулоҳазаларимни изҳор этишга жазм этдим.

ПАРТИЯЛАР ХУСУСИДА: менинг фикру оҳимимча, чин маънодаги ҳар бир партиянинг жамият тараққиёти борасидаги ўз муқобил дастури бўлмоғи зарур. Ҳар бир масала бўйича - ҳоҳ у сиёсий, ҳоҳ иқтисодий, ҳоҳ маънавий жаҳонга тааллуқли бўлсин - ўзининг қатъий мустақил фикри-йўналишига эга бўлиши лозим. Ўз қарашларини жамоатчиликка очик-ошкор маълум қилиб бормоғи, энг муҳими, зарурат туғилганда уни қаттиқ туриб қимом қилиши керак.

Ҳар бир ҳақиқий партия гоёвий жиҳатдан аввало, бир-бири билан доимий равишда баҳс - мунозара қилмоғи, шу аснода энг тўғри йўл танланмоғи керак. Бунга амалдаги кўппартиявийлик, деса арзийди.

Энди ҳақиқий мисолларга мурожаат қилайлик. Олий Мажлис раҳбариятини сайлаш ёки ҳукумат аъзоларини тасдиқлаш чоғида қайси партия бирор-вазир шайнига танқидий фикр

Президент Илмом Каримовнинг иккинчи қақирқ
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида қилган маърузаси ва билдирган фикр-мулоҳазалари кўнглимдаги туғунларни ечиб юборди.

билдирди? Қайси бир депутат амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ҳолати ва яқин келгусида қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар тўғрисида ўз тақлифлари билан чиқди? Аксинча, қандай масала муҳокама таслимининг бараварига қўл кўтариб тасдиқлашдан нарига ўтишмади. Ахир, бу ҳаммаси жойида, айтадиган гапнинг ўзи йўқ дегани эмас-ку! Қўл қўвиштириб ўтирган ёки сукут сақлаган билан бирон-бир нуқсон барҳам топмайди, ахир.

Ҳайрон қолсан киши: наҳотки барча-барча депутатларнинг фикри икки томчи сувдек бир хил бўлса? Наҳотки уларнинг кўнглида икки оғиз айтар сўзи бўлмаса?

Ҳозир мамлакатимизда бешта партия бор. Улар бир-бириндан нимаси билан фарқ қилади? Умуман, бизда муҳолиф партия борми? Қани эди шундай сиёсий оқим бўлганда! Биринчи навбатда шахсан мен унинг баргига бажонидил ўзимни отган бўлардим.

Оммавий ахборот воситалари фаолияти хусусида: муҳтарам юртбошимиз фикирлар хилма-хиллиги ва қарашлар рақиб-баранглиги, уларни ифода этиш учун шароит яратиш зарурлиги тўғрисида гапира туриб, шундай таъкидлаганлар: **«Бунда, мен яна такрор айтаман, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда ҳақиқий «тўртинчи ҳокимият»га айлиниши, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинлигини рўйбга чиқаришда энг таъсирчан омил бўлиши керак. Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиш, ахборот олиш, давлат ва жамият қурилишини ўта муҳим масалаларини муҳокама этишда фаол қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш демокдир»**.

Афсуски, оммавий ахборот воситалари

талари ҳам ҳамон эски қолипдан чиқолмапти. Телевидениеда ўзгаришлар бору, лекин... Айтайлик, қайси-ди ҳузурда битта сартарошхона очилса, қайта-қайта кўз-кўз қилверилсади. Ўтказилаётган катта-кичик мажлиси йиғилган ҳақида қуруқ ахборот бериб боришга ишқивозлик қучайган. Қолган соатларда эса муҳим - кўнглилар кўрсатувлар билан банд. Ҳозирда битта ашулани бир кунда бир неча бор эшиттиришди.

Афсуски, телевидениеда танқидий кўрсатувлар деярли кам.

Газеталарда ҳам худди шундай манзара. Мана, мисол учун, яқинда ўтказилган муҳим сиёсий тадбир - маҳаллий Кенгашлар ва Олий Мажлис депутатлигига сайловлар якуни қайси рўзнома саҳифасида чўқур ва танқидий таҳлил этилди? Ваҳоланки, бу борада гапириш ва ёзишга арзигulik воқеалар кўп бўлди. Башарти, келажакда буюқ давлат қуришни ва халқ фаровонлигига эришмоқни ният қилган эканмиз, жамиятимизда мавжуд иллатлар тўғрисида чиқ-ошкор гапиришимиз керак.

Биз доим «Мен сенга тегмайман - сени менга-тегма» қабиллида иш қурамин. Юрт келажиги, халқ бахт-саодатини эмас, кўпроқ ўз тинчлигини уйлаймиз. Иссиқ жойимизни совутишмаска бас. Йўқса, ўзингиз айтинг, жамиятимиздаги иллатлар, турмушимиздаги камчилик - нуқсонлар тўғрисида партиялар ошқора гапирмаса, оммавий ахборот воситалари жўр солмаса, уларни бартараф этиш учун курашмаска ким қайғуради? Одамлар овозини, ҳайқиргини кенг жамоатчиликка ким етказиши? Халқнинг дарди-га ким малҳам бўлади? Ҳаммасини Президент ва ҳукуматга ташлаб қўйиш тўғрими? Келинг, биз ана шу эзгу мақсад йўлида уларга суяччиқ, кўз-қулоқ бўлайлик.

Юртбошимиз ўша сессия кунлари журналистлар саволларига жавоб бера туриб, жуда топиб гапирдилар: «Биз аввало, онгимиздаги қуликдан, қалбимиздаги қуликдан қутилишимиз керак». Ҳақ гап. Ҳар бир фуқаро мустақил фикрлаб, кўнглидагини айт-диган фурсат келди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ,
Тошкент ёшлар кўнглида журналист

ХУҚУҚИЙ Маслаҳатхона

САВОЛЛАР

ЖАВОБЛАР

Мен 20 йилдан буён жамоа ҳўж-лигида ишлаб келаман. Ана шу давр мобайнида турли вазифаларда иш-ладим, кам бўлганим йўқ.

Иш фаолиятим даврида инсти-тутга ўқишга киришга ҳаракат қилиб ҳам кўрдим. Тўғрироғи, 1979 йили Тошкент Давлат университети-га ўқишга кирдим. Уч йил ўқидим. Лекин айрим сабабларга кўра ўқиш-ни ташлашга тўғри келди. Ҳозир пенсия ёшига ҳам етиб қолдим. Шу ўқишни тугатмаган бўлсам ҳам, унда-ги уч йил стажга қўшилишим?

«Хуқуқий маслаҳатхона» рўқни-да шу саволимга жавоб олишни ис-тардим.

К.Шарофуддини,
Фаргона вилояти,
Риштон тумани

Агар сиз кундузги бўлимда ўқиган бўлсангиз, бу давр меҳнат стажига қўшилиши керак.

Бунда ўқув юртидан берилган маълумотнома бўлиши зарур. Чунки, ўқиш даври ана шу маълумотнома асосида аниқланади.

Қайси касаликларга ногиронлик белгиланиши керак?

Маъруф Н.,
Тошкент вилояти

Касаллик бўйича ногиронлиқни тиббий меҳнат эксперт комиссияси касалланган шахсини тиббий қўриқ-дан ўтказиб, касаликнинг оғирлик даражасига, унинг умумий аҳоли ва меҳнатқа боғлиқлигига қараб белгилайди. Масалан, биринчи гуруҳ ногиронлиги белгиланганда, меҳнатга қобилияти эмас деб топиб билан бирга, доимий қаровга (ёрдамга, назоратга) муҳтож деб топилади. Учинчи гуруҳда эса, маълум бир шарт-шароит ёки маълум бир норматив риоя этган ҳолдагина ишлаш мумкин. Лекин ҳар бир ҳолатда касаликнинг спецификаси, ке-чувида келиб чиқиб, ҳулоса қили-нади.

Мен 1998 йили ишга кирган эдим. 1999 йил декабр ойида таътилга чиқдим. 2000 йил учун бериладиган йиллик меҳнат таътилини январ ойи-да олмоқчи эдим, рухсат беришма-ди.

Ш.МИРКОМИЛОВ,
Фаргона шахри

Ходимга йиллик меҳнат таътили беришда у мазкур корхона, таши-лот ёки муассасада ишлаб берган даврдан келиб чиқилади. Биринчи иш йили учун меҳнат таътили олти ойдан сўнг берилади. Ундан кейин-ги иш йиллари учун таътил корхона, муассаса ёки ташилот маъмурия-ти билан қасаба уюшмаси ишлаб чиққан таътиллар графиги асосида берилади.

Биз кўп тармоқли хусусий фирма «ойиб» уч йилдан бери яхши фаолият кўрсатиб келаятган эдик. Лекин охирига пайтларда солиқдан қарздор бўлиб қолдик. Сабоби, биз бир чет эл фирмаси билан катта миқдорда шартнома тузган эдик, унга асосан биз келишилган товарни унга ўз вақ-тида etkazиб бердик. Аммо у бунинг эвазига бериш лозим бўлган товар-ни (ёки пулини) ўз вақтида etkazиб беришмади. Орадан тўрт ой ўтгач, уша фирма товарни жўнатганида божхонада у тўхтатиб қўйилди. Биз тўп-ланган қарзларимизни шу товар-ни сотиб бўлаг, тўла миқдорда тўла-моқчи эдик.

К.Ширков,
Тошкент вилояти

Солиқ тўловчининг бюджетдан қарзи бўлса солиқ органи ана шу қарз тўловини суд қарори асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиши мумкин. Шунингдек, бож-хона органи солиқ органининг қаро-ри асосида қарзи бўлган солиқ тўловчининг экспорт ва импорт қилганди товарларини солиқ органининг даъвосини таъминлаш мақ-садида суд қарори чиққунга қадар тўхтатиб туриши ҳақли.

Ҳисоб-китоб ишларини бажариш-да адашши ёки бошқа шубҳали ҳолат-лар натижасида солиқ ортқиқа миқ-дорда тўланса, унинг ортқиқа қисми қайтарилиши керакми?

Қодирбоё САДИРБОЕВ,
Жиззах вилояти

Агар солиқ тўловчининг солиқ-лар ва йиғилган бўйича қарзи бўлмаса, ошқоча тўланган сумма тўловчининг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичиди қайтариб берилади ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтқа-зилиши мумкин.

Мен ишлаётган корхонада ҳар доим ҳам ўз ҳақини ўз вақтида беришмайди. Баъзан узоқ узилиш бўла-ди. Ишлаймиз, товар ишлаб чиқара-миз, аммо иш ҳақини тўлиқ ололмай-миз. Ҳар доим «маълумот солиганим йўқ, пул тўлашмайпти» деб, бизга турли ҳақлар етказтиради, ўзлари эса иш вақтида ўз вақтида оладилар. Шулар-ни рўқча қилиб, маошини вақтдан кечиктириб тўлаш мумкинми?

Зафар СОЛЖИҚОНОВ,
Фаргона вилояти

Корхона (иш берувчи) ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар ходимга бажарган иш учун меҳнат ҳақини жамоа шартномасида ёки бошқа локал ҳужжатларда белги-ланган муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат вазифаларини тўлиқ ба-жарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан бел-гиллаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлиши мумкин эмас.

Жавобларни **Дондирбек ХАЛИЛОВ** тайёрлади

МУНОСАБАТ

ЗАЛВОРИ ТОШИ

Чопиб ташқарига чиқди. Қўшнларини ёрдамга қанқарди. Бормаган эшиги қолмади. Бирок биронта қўшниси садо бермади.

Гулнора йўлгаб ичкарига қайтиб келди. Қараса... ухлаб ётган ўн яшар қизалоғи йўқ. Ташқаридан қандайдир нолиш овоз келади. Гулнора қизини излашга отланди. Ниҳоят, бир чеккада авзойи ўзгарган, кийимлари йир-тилган, беҳуш қизалоғига дуч келди. Энди унинг на йўллагшга, на долдлашга мажбoли қолмаганди. Фақат атрофга бемақсад аланглади. Шунда дераза-ларидан уларни томоша қилиб турган қўшнilarига кўзи тушди.

Тахитхот шаҳар прокуратураси ва ички ишлар бўлими 13-билим юрт ҳудудида бўлиб, ўтган жиноят эгасини топиш учун зўдлик билан ишга киришди. Бу йилги Тахитхот шаҳар суди томонидан ЖҚнинг 166-моддасига биноан судланиб, уч йилга озодлиқдан маҳрум қилинган Владимир Пак эди. Владимир олдинги жазосидан ҳулоса чиқариш ўрнига, ҳеч қаерда ишламасдан, маишатга берилиб турмуш кечираётган экан. Ўша кунни ҳам ғирт маск бўлган Владимир Пак ўзининг аҳмоқона режасини амалга оширди. Ўн яшар қизалоқнинг номуслин паймол қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси суди бу жиноят иштини атрофлича ўрганиб чиқди ва Владимир Пакини 19 йилга озодлиқдан маҳрум қилди.

Ушбу суд мажлисида давлат қораловини сифатида иштирок қилар эканман, бир манзара юргамиде муҳрланиб қолди. Владимир йўлгаб суд мажлисида онансининг келишини сўради. Аммо унинг на бошқа ақиллари суд мажлисига келишини, фарзандига далда беришини ўзларига эп қўришмади.

— Мен жуда-жуда пушаймонман, — дерди йигит. — Лекин барибир алам қилади. Қизалоқнинг қанча қўшнilarи менинг ҳаракатларимни томоша қилишди-ку. Неге улар мен тартибга қанқаришмади, бир оғиз «қўй» деб айтишмади?!

...Бизнинг бефарқлигимиз яна бир инсонни жиноятчиға айлантирди, қора курсига етаклади. Гулнора Р. 1971 йили Андижон вилоятининг Ўзбоскан туманида туғилган. Нуқс шарида истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи, уч қизалоғи бор. У турмуш ўртоғининг Албина Б. исми аёл билан қўнғилхушлиқ қилишини эшитиб, юргаги ларзага келди. Ўзини тутишга ҳар қанча уринмасин, бўлмади. Ичини нимадир кемираверди. Айниқса, қўшнilarи унга Албина эрига ўғил туғиб бермоқчи эканлигини айтганидан

кейин ўзини қўярга жой тополмади. Ахир, у Маъруфжонни деб қишлоғи-дан, ота-онасидан узоқда яшаётган бўлса, эвазига толгани хиёнатми? У чора излаб Маъруфжоннинг дўстарига, у хизмат қиладиган ишхона бошлиғига бир неча бор мурожаат қилди. Аммо ҳеч кимнинг унга ёрдам бергиси келмади. Аламага чидаёлмаган аёл қўлига пичоқ олди.

Кўчада Альбинани пойлаб бошлади. Шлагбаум ёнида Албина қизи Лилия ва Маъруфжон билан машинадан тушганини кўргач, эхсонаси чиқиб кетай деди. Ичидиги ўт янада оловланиди. Эри узоқроқ кетгач, сизда гапим бор деб Альбинани четрўққа тақлиф қилди ва аёлнинг елкасига кетма-кет пичоқ ура бошлади. Уларни қўриб қолган наватбачилар бошлиғи Гулсора-нинг қўлидан пичокни тортиб олди. Ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам тўғрйли Альбинанинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Гулсорага нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва у судланди. Суд унинг 3 нафар боласи борлигини ва ўта ҳаяжон остида жиноят содир этганлигини инобатга олиб, Президент амнистиясига биноан жазони ўташдан озод қилди.

Яқинда Гулсоранинг кейинги тақдирдан хабардор бўлиш учун у билан суҳбатлашдим. У Альбинанинг ҳам қизи бўлганлигини, Маъруфжон унинг билан органи очик қилиб, оиласига қайтганлигини гапириб берди.

— Барибир ёлғиз қолган кезларим йўлганман. Енимдигилар «Сен ўғил тўғолмайсан, Альбинанинг ўғли бўлса, эринг сени ташлаб кетади» деб гиж-гиллашмаганида, ёрдам сўраб бормганимда эримнинг бошқиларини елкам-га қоқиб — бу йигитчиликда бўладиган нарсаси, уни тартибга қақириб қўямиз, сиз қўнғилнигузни тўқ қилинг» деганида пешонамга қора тамга муҳрланиб қолмасди-ку. Бу менга қатта сабоқ бўлди. Энди мен ҳеч кимнинг тақдирига бефарқ қарамайман ҳоҳ у яқин бўлсин, ҳоҳ бегона, ёрдамимни аямайман, — деб афсус билан сўзлади Гулсора.

Ҳа, Гулсора бефарқлик келтирадиган азобни танасида ҳис қилиб кўрди. Аммо, бошқалар-чи? Наҳотки, бефарқлик балосидан қутулиш учун уни бошдан кечириб шарт бўлса?

2000 йил мамлакатимизда соғлом авлод йилли-деб ёзлон қилинди. Соғлом авлодни тарбиялаш, буюк келажикни яратиш сиз билан бизнинг, ҳаммамизнинг зиммамиздаги вазифадир. Бунга эришиш учун ҳам аввало бефарқлик, лоқайдлик, дангасалиқ каби иллатлардан қутулишимиз, улар ўрнига қўнғилмишга шижоат, меҳр-муруват, саховат тўғйуларини жойла-шимиз лозимдир. Бунинг унутмайлик.

Гавҳар БОБОЖОНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг катта ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

РАДДИЯ

...МАЗМУНАН ҲАЛ ҚИЛГАН

«Хукук» газетасининг шу йил 9-15 февралдаги 6-сонига босилган «Ишлаган руҳсат беринг» сарлавҳали мақола юзасидан қуйидаги фикрларни билдиришни лозим деб топдим.

Мақолада айтилган фўқаро Н.Турдибоева ҳақидаги фўқаролик ишлар ва маъмурий иш ҳақиқатан ҳам Мирзо Улугбек туман судида қўрилиб ҳал қилинган.

Маълумки, ушбу ишлар бўйича чиқарилган суд қарорлари қонуний қўчга кирганлиги сабабли, улар устида фикр юриштишга ҳамда тегишли баҳо беришга фақат юқори суд идоралари ваколатлидир.

Мақолада ёзилишича, фўқаро Турдибоевнинг ишга тиклаш ҳақидаги аризасини суд биринчи марта қўғанда қаноатлантирган, (судья О.А.Тошматова), иккинчи марта қўғанда эса унинг талабини рад этган (судья М.Отажонов) деб қўрсатилган.

Бу масалалар мақола муаллифининг фикри билан келишиб бўлмади, чўнки суд бир ишни икки мартаба қўрмаган, аксинча иккита даъво аризаларни, яъни Турдибоевани ишдан бўшатилиш икки хил асосларини алоҳида-алоҳида қўриб ҳал қилган.

Суд ишни биринчи мартаба Тошкент шаҳар прокурорининг Турдибоевани ишдан бўшатилиш ҳақидаги жавобгарнинг 1999 йил 1 мартдаги 92 сонли бўйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қўриб ҳал қилган ва ариза қаноатлантирилган (2-1310/99 сонли фўқаролик иши).

Иккинчи мартаба эса, Турдибоева томонидан келтирилган жавобгарнинг 1999 йил 21 октябр кундаги бўйруғини бекор қилиш ҳақидаги даъво аризасини

қўриб атрофлича муҳокама қилиб, Турдибоевнинг даъвосини рад этган. (2-2475/99-сонли фўқаролик иши). Бундан қўринадиган, туман суди ҳар икки ҳолатда бошқа-бошқа буйруқлар билан боғлиқ бўлган ишларни қўриб, улар юзасидан тегишли хулосага келиб, мазмунан ҳал қилган.

Масалани ачинарли томони шундаки, мақола муаллифи Ш.Ғаниев ушбу масала билан шўғулланганда, мазкур фўқаролик ишларини қўрган судьялар билан суҳбатлашишни лозим топмаган.

Мақола мазмунига қараганда, муаллиф суд қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг қандайдир эътиборини жалб қилиб, ушбу масалалар юзасидан бўлажак судда (агар бўлса) таъсир қўрсатишга имкон туғдирган.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳокимияти тўғрисида»-ги Қўнунига асосан, оммавий ахборот воситалари судларда қўрилаётган ишлар бўйича ўз хабарларида, суд қарори қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр билдиришга ёки бошқа усуллар билан ишда иштирок этаётган бирон-бир шахснинг фойдасини қўзлаб судга таъсир ўтказишга ҳақли эмаслар.

Қўнуннинг ушбу талабидан муаллифнинг хабари йўқлиги қўринадиган.

Юқоридагиларга асосан мақола муаллифи Ш.Ғаниев туман суди судьялари билан суҳбатлашиб мақолага раддия келтиришини сўраймиз.

Т.ТИЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек
туман суди раиси

ЖАВОБ

ҚОНУННИНГ «ҚАЛБИ»...

Тўғри, фўқаролик муносабатларини тартибга солиш амалиётида суд бир-бирига яқин, балки бир хил ҳолат юзасидан турли хил қарорлар қабул қилиш ҳоллари мавжуд. Мирзо Улугбек туман суди раиси Т.Тиллаева қайд этганидек, ушбу фўқаролик ишлари «икки хил асосларда алоҳида-алоҳида қўрилган». Биз буни мақоламизда ҳам қўрсатган эдик. Бирок 8 ой ичида бир ходимни ишдан бўшатилиш тўғрисида уч марта буйруқ чиқарилиши нима билан изоҳланади? Мақолада таъкидланганидек, Н.Турдибоевнинг ишга 40 минут ҳеч қолгани ёки ташкилот юристига қўпюли қилгани эмас, балки унинг атрофдагиларга «ноқулай» бўлиб қолгани» суд жараёналарида эътиборга олинмаган ҳолатми ёки йўқми? Биз ана шу саволга жавоб ололмоқчимиз, холос.

Суд раиси Т.Тиллаева айтганидек, судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш оммавий ахборот воситаларида эмас, балки «Судлар тўғрисида»-ги Қўнуннинг 12-моддаси ва ФПҚнинг 17-моддасига мувофиқ юқори турвучи суд органларига беришган. Бирок барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар устидан жамоат назоратини олиб бориш, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш, фўқароларнинг айбонлиги ва гуноҳсизлигини амалда таъминлашда суд ҳокимиятига яқиндан қўллашнинг мақсадиде фаолият юритиш оммавий ахборот воситалари мавжудлигининг асосидир. Айни пайтда судларнинг муастаклиги ва улар фақат қўнунга бўйсуниб, фаолият юритишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси, ФПҚнинг 7-моддаси, «Судлар тўғрисида»-ги Қўнуннинг 2-моддасида мустахкамлаб қўйилган. Ҳа, судьяларнинг одил судловини амалга ошириш фаолиятига бирон-бир тарзда аралашши қўнуни билан таъқиқланади. Шунингдек, судларнинг қўнуний қўчга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлари мажбурий характерга эга, у Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудиде ижро этилиши шарт.

Бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса, судьяларнинг муастаклиги ва фақат қўнунга бўйсуниб фаолият юритиши, уларнинг айтган қўнуний сўзининг мажбурийлиги - судларнинг қўнуний қўчга кирган ҳукми, қарорининг қанчалки қўнунийлиги, асосли ва адолатлилиги юзасидан журналист шахсий фикр-мулоҳазаларини, журналистик таҳминларини билдириши манъ этилди, дегани эмас. Зеро, суд раиси оммавий ахборот воситаларининг қароллариди

тўғрисида гапириб, «муаллиф суд қарорларига нисбатан жамоатчиликнинг қандайдир эътиборини жалб қилиб, ушбу масалалар юзасидан бўлажак судда (агар бўлса) - изоҳ бизники эмас» таъсир қўрсатишга имкон туғдирган» деб хулоса чиқаради. «Судлар тўғрисида»-ги Қўнуннинг 69-моддаси 4-қисмида «Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокама-лари натижаларини олдидан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас», дейилади. Бундан шу нарсга аниқлашадиган, журналистлар оммавий ахборот воситалари орқали муайян ҳолат ёки воқеа юзасидан тергов ҳаракатлари тугамасдан, суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми қўнуний қўчга кирмайдиган олдидан журналистик таҳминларини, шахсий фикр-мулоҳазаларини эълон қилишга, суд музокаралари натижалари тўғрисида олдидан башорат қилишга йўл қўйилмади. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги Қўнуннинг 9-моддасида шу ҳолат янада мустахкамланади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг бу тарзда чекланиши факатгина биринчи инстанция судида иш юритилаётган давргагина тааллуқлидир. Чеклашнинг бош сабаби - муайян ҳолат юзасидан қўнуний, асосли ва адолатли ҳукм ва қарор чиқарилишига қаратилган. Аммо бу чеклаш қассация ва назорат инстанция судида ишнинг қўнунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириб, ажрим чиқариш давридаги фаолиятига тегишли эмас. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»-ги Қўнуннинг 9-моддаси 2-қисмида суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қўнуний қўчга кирганидан сўнг журналистлар журналистик таҳминларини эълон қилишга ҳақлидир дегилиши ва бу ерда суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми деб, аммо ҳал қилув қарори, ҳукми қатъи «Ажрим» деб қўйишга тааллуқли фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Шундай экан, журналистлар биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва ҳукми қўнуний қўчга кирганидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини оммавий ахборот воситалари орқали мақола, қўсатув ёки эшитириш тарзида эълон қилишлари, журналистик таҳминларини ўртага ташлашлари гайриқўнуний эмас.

Бундан ташқари, Т.Тиллаева: «Масаланинг энг ачинарли томони шўки, мақола муаллифи ушбу масала билан шўғулланган, мазкур фўқаролик ишларини қўрган судьялар билан суҳбатлашши лозим топмаган», дейишда қайси қўнунга асосланган, билмадик. Шундай бўлса-да, бу саволга

ҳам жавоб бера қолайлик: тўғри, Н.Турдибоевнинг даъво талабларини юзасидан биринчи (1999 йил 23 июн кунги) ҳал қилув қарорини эълон қилган судья О.Тошматова билан суҳбатлашилмаган. Чўнки «Ахборот олиш қароллари ва эркинлиги тўғрисида»-ги Қўнуннинг 6-моддасига мувофиқ равишда судья О.Тошматовига сўров билан мурожаат қилиш зарурати туғилмаган.Бундан ташқари, муайян аниқ ҳолатга тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлиб, унинг ижроси қўнунда белгиланган тартибда таъминланган бўлса, сўров билан мурожаат қилиш қўнуни ҳужжатларида мажбурий қилиб белгиланмаган.

Иккинчидан, Н.Турдибоевнинг шикоят-аризаси юзасидан журналист текшируви аяқланиб, унинг натижалари мақола тарзида чоп этилиши арасида М.Улугбек туман судида мазкур ҳолат юзасидан фўқаролик иши қўзғатилиб, суд муҳокамаси бошланганидан хабар топдик. Ва 2-2475/99-сонли фўқаролик ишини ўз юртида олиб бораётган судья М.Отажоновнинг рухсати билан салкам икки ойга қўзилган суд музокараларининг барча мажлисларида иштирокчимиз таъминланган.

Зеро, шу давр мобайнида томонларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг қўрсатмалари суд мажлиси баённомасида қай даражада ўз аксини тоғналгани, суд баённомаси билан суднинг ҳал қилув қарори ўртасида фарқлар юзасидан муайян хулосага келган бўлса ҳам мақолада бу ҳақда лол-мим дейилмаган. Суднинг юқори идораларига таъсир ўтказишга ўхшаб қолмасин деб, мақола қандайдан кейин Н.Турдибоевнинг билимдон, тажрибали шавқорлиги ҳақида унинг қўлида даволанган фўқаролардан келган хатларни ҳам эълон қилмади. Яна такорор айтмай: судья М.Отажонов юртида бўлган 2-2475/99-сонли фўқаролик иши юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан ҳозир ҳам бирон-бир эътирозимиз йўқ. Лекин Республика Акушерлик ва гинекология институтиди директори Ж.Қурбонов биринчи марта ўз қўл остидаги ходими Н.Турдибоевага «ютказиб қўйиб, суд ҳукми билан унга етказилган маънавий ва моддий зарарини қоплаганидан кейин, «астойдил таъбирларлик қўриб» иккинчи суд жараёнида ютиб чиқди. Ана шу ҳолат қўнунийлигимизда эътиборга олинмади, йўқми? Саволимизни бошқача тарзда қўйдиган бўлсак, қўнуларимизнинг қалби, юраги ва виждони бўлган ҳўқуқшўносларимиз бу ҳақда нима дейдилар?

Шавқидин ҒАНИЕВ,
журналист

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 26 июлдаги республика ҳудудига спиртли, алкоғолли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини қўнунга хилоф равишда олиб кириш, қалбаки ақиди маркалари тайёрлаш ва гайриқўнуний равишда алкоғолли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга қарши қўрашни қўнайитириш ҳамда алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга маблағлар тушумини қўнайитиришга қаратилган фармонлари, ҳўқумат қарорлари ва бошқа ҳўқуқий-меърий ҳўжатлар ижросини таъминлаш борасида Республика прокуратураси идоралари томонидан Молия Вазирлиги, Давлат солиқ ва боғжона қўмиталари, МХХ ҳамда Ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Текширишларда айрим мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан давлат мулкни шахсий манфаат йўлида талон-тарож қилиш ҳоллари аниқланди. Шу ўринда айрим мисоллар келтириш ўринлидир. Янгийўл «Биокиме» ҳиссадорлик жамиятининг бошқарув раиси Д.Мўхиддинов мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, бир қатор корхона ва ташкилотларга спирт маҳсулотларини арзон нархларда бериб юбориб, давлат манфаатларига 12 миллион сўмлик ва ҳиссадорлик жамиятига 49 миллион сўмлик моддий зарар етказган.

Чиллаки-чиллакани қўриб ранг олар, деганларидек, Янгийўл агрофирмаси бош директори К.Шорустамов «Биокиме» ҳиссадорлик жамиятига тегишли, бўлган, агрофирма омборида сақланаётган қатта миқдордаги

ЯШИРИН ЦЕХЛАР

Уларнинг тегирмонига кимлар сув қуймоқда?

спирт маҳсулотларини сохта ҳўжатларга асосан турли томонларга тарқатиб юборилишига сабабчи бўлган. Шундай қилиб, жамият бу сафар 38 миллион сўм зарар қўрди. Яна бир мисол. 1999 йил 25 март кўни текзор маълумотларга асосан ўтказилган текширишда фўқаро Б.Қурбонов «Камаз» автомашинасида Фарғонадаги «Фурон» кимё заводидан Риштон туманидаги «Фаровон» кичик корхонасига 840 минг сўмлик техник спиртни гайриқўнуний равишда олиб кетаётганлиги аниқланган. Вилоят прокуратураси ходимлари шу кўнўёқ киришиб, бир тўда уюшган жиноятчиларни фўш этишга эришдилар.

Ажабланарлики шундаки, айрим корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари била туриб кейинги жиноятларга йўл очиб бераётдилар. Омбор эшигидан қингир йўллар билан чиқариб юборилган қўп миқдордаги тозаланган ёки яхши тозаланмаган спирт маҳсулотлари иккинчи бир фирибгар қўлига тушиб ароққа айланади, шундан кейин ўнчинчи бир нафс бандаси уни бозорга олиб чиқиб бемалол сотаверади. Қарабсизки, бир жиноят иккинчи жиноятга йўл очиб турибди. Пировадига истеъмолчи саломатлигига пўтур этиб, оила тинчлиги бузилади.

Анджон шаҳар, Шевченко кўчасида истикомат қилувчи «сохта тадбиркор» М.Қамбаровнинг уйдаи фаолият қўрсатаётган яширин ароқ тайёрлаш цехи эшиги назоратчилар томонидан мўхланди. Шу кўни унинг уйдан 1 донга қадоклаш мосламаси, юзлаб донга ароқ қопқоқ, «Ўзбекистон» ароғи ва «Русская водка» ароғи ёрликлари, 3 литр этил спирти, 137 донга сотувга тайёрлаб қўйилган «қўлбола» ароқлар тоғилиб мўсодарга қилинди.

Наманган вилояти, Поп туманидаги «Саодат Зокир» хўсусий фирмаси бошлиғи З.Азиммуродов ва омбор мудири А.Умаров яширин ва хатарли ишга бел боғлашди. Ортиқча оворагарчиликнинг нима кераги бор, дея фирманинг ўзида нўқонуний равишда вино цехи очиб, ишга тушириб юборишди. Дабдурустан бу цехга кириб қолган ҳар қандай одам қаттароқ бир корхонанинг омборхонаси деб ўйлаши мўмкин. Аммо бу яширин цехга ҳам текширувчиларнинг қадамлари етди. Цехда ёрлик ёпиштирилмаган 0,5 литр ҳажмли шиша идишларда умумий қиймати 263,0 минг сўмлик 2413 донга қўлбола вино маҳсулотлари ва умумий нархи 40,5 минг сўмлик «Осие» ароғи, «Ўзбекистон Портвейни», «Жасорат», «Чашма» виносини ёрликлари, вино қопқоқлари ҳамда аввал ишлатилган ақиди маркалари тоғилганлигининг ўзиёқ хўсусий фирма раҳбарларининг нафси ҳақалак отиб кетганлигини қўрсатади.

Айрим ҳолларда баъзи корхона раҳбарлари ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, Ўзбекистон Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоб қилишда ҳўқуқли юритувчи субъектларнинг масўлиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонида (1996 йил, август) эид равишда спиртли маҳсулотларни бартер асосида миҳозларга бериб юбораётганлиги аниқланган.

Хўсусан, Анджон вилоятидаги «Навиул» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонасининг бош директори А.Абдуҳамидов ва бош ҳисобчи Қ.Дадажоновлар фармон талабларини қўпюл равишда бузиб, 1999 йилда Анджон туманидаги «Истиқлол» ширкатлар уюшмасига 2 миллион 789 минг сўмлик, шу тумандаги Охунбобоев номида хўжагаҳига 41 минг сўмлик, Жалолқўд туманидаги «Болгария» ширкатлар уюшмасига 1 миллион 240 минг сўмлик ароқни бартер асосида бериб юбориб, давлат бюджетига 2 миллион 748 минг сўм моддий зарар етказганлар.

Юқорида айтиб ўтилган қўнубузарлар қилишларида яраша жазоландилар, албатта. Лекин бу ҳамма иш жойига тушди, дегани эмас. Бозорларда, дўконларда қалбаки спиртли ичимликлар ҳамон сотилаётганлиги яна қаердадир яширин цехлар фаолият қўрсатаётганидан далолат беради. Бундай қўнубузарликларга барҳам бериш учун ҳали тинмай қўраш олиб боришимизга тўғри келади.

П.НАЗАРОВ,
Республика прокуратураси
умумий назорат
бошқармасининг қатта прокурори,
адлия қатта маслаҳатчиси

ТАШРИФ

Истеъдод кўлдан-кўлга ўтмайди, мерос қолдирилмайди. Истеъдод тугма бўлади. Фақат йиллар мобайнида шаклланади, холос. Бугунги суҳбатдошимиз Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри актрисаси Мадина Мухторовани ҳам том маънодаги истеъдод соҳибаси дейишга ҳаққимиз бор. Бунга унинг маҳорат билан ижро этган ўнлаб образлари исбот бўла олади. У қайси образ устида ишламасин, бутун вужуди билан ўша образ дунёсига шўнғиб кетади. Балки шунинг учун бўлса керак, у ижро этган роўлар ўзининг ҳаётлиги, ҳаққонийлиги билан томошабинлар қалбидан жой олади. Халқ олқиши, эл назари ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Биз бугун ана шундай буюк бахтга сазовор бўлган актриса билан бўлган муҳтасаргина суҳбатимизни сиз азиз муштарийларга ҳавола этмоқчимиз.

шунга келиннинг тепиб юборишини кўшганман. Кўпчилик норози бўлишди. Келин ҳам тепадим, дейишди. Мен эса, йўк, тепаман деб туриб олдим.

«Чимилдик»нинг яна бир ўзига хос томони шундаки, асарда ҳам-манинг ўз ўрни бор. Бирор бир актёрнинг ўзгариб қолишини ҳечам ақлимга сиғдиришмайман. Асардаги момо ролини қойилмаком қилиб, маромига етказиб ўйнаётган Дилбар Икромовадан бошқа момони кўз олдимга келтиришмайман. У киши аслида ҳаётда ҳам содда, кам-

ташлаб кетсам, бояги пари қизнинг қисмати менинг бошимга ҳам тушмайди?» деган сўзлари бор. Тақдиримни қарангки, худди шунақа куёвни менга рўпара қилиб турибди. Турмуш ўртоғим ҳар бир аёлнинг орзуси. Мен шундай инсон билан ҳамнафас яшаётганимдан бахтиёрман.

— *Сиз таниқли кўлу усталари Мирзабек Ҳалмиев, Обид Асамовлар билан ҳамкорлик қиласиз. Бу табиатингиздаги қулуга мойилликми ёки?*

— Сезаётган бўлсангиз одамлар

ўрганмасликларини жуда хоҳлардим. Ўзбек аёли азалдан ўзининг ҳаёлиниги, иффи, садоқати билан жаҳонга маш-хур. Аёлларимизнинг янги асрага ана шу сифатларини тўлалигича сақлаб қолган ҳолда қандай қўйишларини истардим.

Ўз навбатида эркакларимиз ҳам табиатнинг мўъжизаси бўлиши аёлларимизни асраб-авайлашса, уларнинг орзу-умидлари билан ҳам ҳисоблашишса нур устига аёло нур бўларди.

— *Эл таниган санъаткорсиз. Маш-хурилик сизни толиқтириб*

ҲАМЗА номидаги ўзбек давлат академик драма театри актрисаси Мадина МУХТОВА билан суҳбат

«ЧИМИЛДИК»ДАГИ

— «Чимилдик» спектакли томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Бунга асарнинг қариш беш йил давомида театр сахнасида турмай келатгани ҳам кўрсатиб турибди. Сизнингча, асар муваффақиятининг сабаби нимада?

— Дарҳақиқат, «Чимилдик» асари дунё юзини кўрганига беш йил тўлмоқда. «Келинлар кўзголини» асари 10 йил ичида неча марта қўйилган бўлса, «Чимилдик» беш йил ичида шунча марта сахна юзини кўрди. Ҳайрон қоларли томони шундаки, бирор марта томошабинлар сони камайганини кўрмадим. Доимо зал лиқ тўла бўлади. Назаримда томошабинларни етаклаб келатган нарсас бу ушбу асардаги ўзига хос миллийлик руҳи, ўзбекнинг оддий, ҳар қандай бўёқлар билан зеб берилмаган қиёфасини кўриш иштиёқи бўлса керак. Бундан ташқари, ушбу асарнинг яна бир ютуқли томони биз одамларга турмушнинг ҳали сахнада кўрсатилмаган майда-чуйда деталларини намойиш этди. Мавҳум нарсас ҳамма вақт инсонларни ўзига жалб этиб

келган. Шу сабабли чимилдик ичидаги ҳаёт атрофдагиларни ҳам қизиқтириши табиий. Худди ана шу жараёни сахнага олиб чиқдик.

Асар муаллифи Эркин Хушвақтов кишлоқда ўсган. Шунинг учун воқеаларнинг баъзиларини кишлоқ ҳаётидан, баъзиларини ўзининг ҳаётидан олган. Асарнинг ҳаётли қишқирга шулар сабабчи бўлса ажабмас. Устоз санъаткорларимиз Турғун Азизов, Минаввар Абдуллаевалар асарни ўқиб чиқиш, унга қайта ишлов бериш, сахнага олиб чиқиш режалаштиришди. Очиғи, «Чимилдик» сахнага чиққунча роса ишланди. Бунда барча театр ходимларининг хизматлари бор. Масалан, ўзим келин образига ўзимнинг қайсарлигимни, бироз эркалимни кўшдим. Аслида эса асардаги келин оддий, рўмол ичидаги, тақдирга осонгина тан бериб кетаверадиган қиз бўлиши лозим эди. Яна ўзимча ўйладим, бу сахна асари, ҳаёт эмас. Томошабин театрда дам олгани келади. Шу сабабдан кулгили сахналар ҳам қўшилди. Ўдингизда бўлса, асарда куёв келиннинг махсусини ечадиган жойи бор. Мен



КЕЛИН

қўймайдими?

— Бир куни бетоб бўлиб, ётиб қолдим. Ойим эскича қилиш учун таниш аёлни айтиб келди. Ўша аёл кетариб: «Бу қизни яқинда бутун Ўзбекистон танийди» дея чиқиб кетди. Тасодифи қарангки, бир йил ўтиб «Чимилдик»да ўйнадим. Ижром ҳаққимизга манзур бўлди, шенгизимизга манзур бўлди, шенгизимизга манзур бўлди, шенгизимизга манзур бўлди.

Саволингизга келсак, баъзан оддий Мадина бўлишни хоҳлаб қолам. Сабаби менинг ҳам ҳамма қатори турмуш ўртоғим, фарзанд-



тарин инсонлар.

— *Асарда куёв ролини Абдураим Абдуваҳодов ҳамда Равшан Жўраевлар алмашиб ижро этишади-ку. Бунинг таъсири борми?*

— Очиғини айтсам, сахнага чиқ-қач, секин ёнга қараб олам. Бугун ким ўйнар экан, деб. Сабаби шунга қараб ўйнашимга тўғри келади. Иккови ҳам икки хил дунё. Масалан, куёв келинга қараб бақириб келатган пайтда келин ёстиқ отиши керак. Агар мен Равшанга ёстиқ отсам, у «Нимага ёстиқ отдинг. Ўзингга отсам бўладими?» деб хархаша қилиши мумкин. Абдураим келатганда эса ёстиқни отмасанг «нимага отмадинг» деб образдан чиқиб кетади. Бу оддий сахнада бўладиган ўзимизгагина маълум нарсалар. Ўшаларга қараб мослашишимиз керак. Равшан кўпроқ оғир, босиқ образларга мос келади. Абдураим эса анча ёшгача ўйланмаган, ўз севгисига эришолмаган эркакни кўрсата олган.

— *«Чимилдик»да келин-куёв чимилдикда танишади. Сир бўлмаса, ҳаётингиздаги танишув қандай бўлган?*

— Ҳаёт қизиқ экан. «Чимилдик»да куёв келиндан 17 ёш катта бўлади. Келин бошида йиғлаб-сиктаб кейин рози бўлгани ўзимга ўхшайди. Унинг «Бу оққунгил, беозор инсонни қанақа қилиб ташлаб кетаман. Хатто хўрозни ҳам сўя олмаган, камсукум, меҳрибон инсонни

ҳаёт ташвишларидан, турмушдаги муаммолардан ажралолмай қолишган. Ҳозир бирровга театрда борайлик десанг, қанақа театр, бу ёқда шунча ишим турибди, дея жеркиб беришдан ҳам қайтишмайди. Ана шундай кишиларга озгина бўлса-да, қулгу улашсанг, халиги ташвишларни, муаммоларни бир лаҳзага бўлса ҳам унуттилади.

Мирза, Обидлар билан чиқишларим қизиқиларимнинг учқуни, холос. Ўзим бу йўлдан тўхтамасликни истардим. Албатта бу жуда кўп меҳнат талаб қилади. Театрда бутун жамоа билан бирга ишласанг, комик актёр бўлиш учун яқка ўзинг ишлашинг керак. Бу йўлда бундан кейин ҳам ижод қилишга, изланишга ҳаракат қиламан.

— *Бутун инсоният янги аср оstonасида турибди. Бугун аёлларимиз ўтаётган асрда ўзларининг байрамларини сўнги марта нишонлашмоқда. Замонавий ўзбек аёлини қандай тасаввур қиласиз?*

— Аёл деганда, барбир ўз умр йўлдошининг севиқли ёри, фарзандларининг суяқли онаси кўз олдимга келади. Замонавий ўзбек аёли гарбга тақлид қилиб миллийлигимизга мос келмайдиган одатларга

ларим билан театрда, кинога, хибоналарга боргим келади. Аммо сира бемалол бўлолмайман. Одамлар театр ёки кино қилиб мени томоша қилишади. Шу сабабли баъзан машхуриятдан қечгим келиб кетади.

— *Театрда ташқари яна қандай ишлар билан машғулсиз?*

— Кўпроқ оилам бағрида бўлишни хоҳлайман. Халқимизнинг яхши кунларига бораман. Шейпингга бориб тураман.

— *«Ҳуқуқ» мухлисларида, қолаверса, барча ўзбекистонлик аёлларга байрам тиласларингиз.*

— Аёлларимизга энг аввал соғлиқ тилаб, бахорнинг нафис гулларидек очилиб юришларини тилайман. Ҳамиша гўзаллик ва лафозат уларни тарқ этмасин.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ суҳбатлашди



Шабриклар

Меҳрибон бувижонимиз
Муқад ая!

Сизни 8 март - халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз. Бахтимизга соғ-омон бўлиб, бобомиз билан қарилек гаштини суриб юринг! Невараларингиз:

Умиджон, Ахроржон, Асроржон,
Акбаржон, Бехзоджон,
Хумоюнжон ва Хулкар



Хурматли Наргиза Абдуллаева!

Сизни тугилган кунингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Доимо даврамининг гули бўлиб юринг!

Хурмат ила дустларингиз:

Хуррит, Зийда, Бахром,
Бекабод тумани



Ширин қизадоғимиз Юлдузжон!

12 март тугилган кунинг билан табриклаймиз. Сизга Оллоҳдан узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ сўраймиз. Доимо бахт ва омад ёр бўлинг!

Онаг Алмажон ва
отанг Файзулла,

Қорақалпоғистон республикаси



Қадри онажоним Ойша!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан қизғин табриклайман. Бахтимизга доимо омон бўлинг деб


ўғлингиз Ахор Қиличев,
Жиззах вилояти



Нуридийдам Шаҳнозахон!

Таваллуд кунинг муборак бўлсин! Келажикнинг порлоқ, йўлларинг нурли, бахтинг тўқис бўлсин!

дадажонинг Бахтиёр,
аканг Азизжон,
Сидраф вилояти



Онажонимиз Маҳбубахон!

Сизни 8 март байрами билан чин юракдан табриклаймиз. Яратгандан биз фарзандларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлишингизни тилаб фарзандларингиз:

Назиржон, Наргиза, Нозимжон,
Бухоро вилояти



Суюкли Тоирова Гулнора
Илҳомжон қизи!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин қалбдан қутлаймиз. Барча пок ниятлар билан Сизга Оллоҳдан узоқ умр, соғлиқ тилаб:

жамоадошларингиз,
Тошкент шаҳри, Тансиқбоев-3



Хурматли онажоним Февзис,
Рима хала, Диана ва Флора!

Сизларни 8 март - халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юракдан табриклайман. Сизларга бахт-саодат, омад тилайман деб

Аксана Голенкова,
Самарқанд вилояти



Хурматли Зулхумор хала!

Сизни тугилган кунингиз билан чин қалбдан табриклаб, энг зилгун ниятларни тилаб жияяларингиз

Дилноза ва Дилафрўз,
Тошкент шаҳри



Хурматли Мунираҳон Мусаева!

Сизни 8 март байрами билан самимий табриклаймиз.

Қадрдон ва мерибонларингиз,
Анджон шаҳри



Опажонимиз Дилдора!

Сизни 8 март - хотин-қизлар кунин билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, педагогик фаолиятингизда зафарлар тилаб қолувчи синглиларингиз:

Фарзода, Ифоборону,
Тошкент шаҳри

ЮЛДУЗЛАР ҲАЁТИ**КАТРИН ДЕНЕВ**

наётган машинани бошқара олмай электр симёточига келиб урилади ва шу заҳоти фожиали ҳалок бўлади. Шундай аянчли йўл билан у ўз ўрнини шуҳрати соясига қолиб кетган кичкина синглиси — Катринга бўшатиб беради. Катрин ҳозиргача ҳар бир эришган муваффақиятида опасининг қайси-дир жиҳатларидан фойдаланиб келаётган. Масалан, у ўзининг тим қора сочларини сарикка бўяб, опаси сингари сохибжамол бўлишга ҳаракат қилган.

Катринга илк марта чинакам шуҳрат келтирган филм «Шербур соябонлари» деб аталади. Веетнам ҳақидаги «Хинди Хитой» фил-

ми эса уни бутунлай шону шуҳратга буркаб ташлади. Актриса мазкур филмда ижро этган роли учун «Сезар», «Олтин глобус» ҳамда Америка кино академиясининг олий мукофоти — «Оскар» мукофотлари билан тақдирланди.

Катринни ҳаёнда танимайдиган, унинг шуҳратига, ҳусну латофатига тан бермаган одам йўқ, ҳисоб. Актриса эса ўзи ҳақида кўп гапиришни унча ҳушламайди, мактовлардан йироқроқ юришга интилади.

— Мен гўзал эмасман, менда чиройли қомат ҳам йўқ, — дейди у оммабоп журналлардан бирига берган интервьюсида. Аммо Париждаги тантанали оқшомлардан бирида Ив Сен-Лоран фирмасида тайёрланган либосда даврада ҳозир

бўлганида, йиғилганлар унинг ҳусну жамолидан буткул лол қолганликларини, кўп бор ҳикоя қилинган.

Катрин Денев бир неча бор турмуш қурган. Англиялик фотомухбир Дэвид Бэлли билан беш йил бирга яшади. Кейин эса кинорежиссёр Роже Вадим билан тақдирини боғлади ва бу никоҳдан ўғли Кристиан дунёга келди. Қизи Қяра-Шарлоттанинг отаси эса Катрин бутун борлигини бахш этган, чинакам севиғисини ҳадя этган Марчелло Мастолянидир.

Актриса ҳар иккала фарзандини ҳам жону дилдан севади ва ўз на-



вбатиди уларга нисбатан талабчандир. Фарзандлари тарбиясини бировга ишонмай, бу ишни ҳам ўз зиммасига олган.

— Ҳаёт орзу-истаклардан йироқ ва биз яшаётган дунё бизга бахт ваъда қилмаганларини унутмаслик керак, — дейди 56 ёшли қаршилаётган Катрин Денев.

Унинг таъбирича, ҳар қанча бойлик ва шуҳрат ҳам чинакам бахт ҳисобланмайди.

ОАТИН ҲИҚМАТ**«ОНАМНИ РОЗИ ҚИЛДИММИ?»**

Бир кун бир одам Пайғамбаримиз (А.С.) ҳузурига келиб:

— Ё Расулulloх! Онам жуда кексасиб қолди. Боладек бўлиб қолди. Гудакларга ўхшаган ишлар қилади. Уридан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан оват берман. Сувни ҳам ўз қўлим билан ичирман, таҳоратига ёрдан берман, сўнгра, сажода (намоз ўқиш жойи)га олишиб кутариб олиб бораман. Хоҳлаган ерига кутариб олиб бораман. Ё Расулulloх! Онамнинг ҳақини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? — деб сўради.

Севиқли Пайғамбаримиз (С.А.В.):

— Волиданнинг ҳақини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, — деди.

Ул одам:

— Нега? Ё Расулulloх! Мен онамни бир айтганини икки қилмайман.

— Волиданг сенга, ўғлим ўсиб-улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин, деб хизмат қилиб, оличиб юрарди. Сен эса унга, қачон ўлади, деб; ўлса қутулардим, деб хизмат қилсан. Булар орасида тоғдек, ер билан осмончалик фарқ бор. Онам сени боққанида ўғлим қачон улғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса, онам қачон ўлади, дейсан.

Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор. Сен онамга қанча хизмат қилсан ҳам унинг ҳақини ўтай олмайсан. Бунга яхшилик биллиб ол. Ҳеч бир фарзанд ота ва онанинг ҳақини ўтай олмайди. Шунга яхши билгинки сен онамга хизмат қилсанг, Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва онанинг розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам, Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, — деди.

БИР ЧИМДИМ ҚУЛГУ

— Жоним айт, байрамга нима совға қилай?

— Ҳали ўйлаб кўрганим йўқ.

— Бўлмаса ўйлаб кўр. Бир йил муҳлат берман.

Бир одамнинг бошига кўп ғалати иш тушди - тўрт йил ҳаракат қилиб, у директорининг қабулига кирди, лекин бу чокда нима масалада қабулга келганини унутиб қўйган эди.

Қабулхонадан уни тўппа-тўғри жиннихонага олиб кетишпти, лекин у «даволанганимдан кейин яна қабулга келаман» - депти.

Тушликдан кейин эр газета ўқияпти. Хотин дейди:

— «Хозир жоним» дейишингни бас қиласаним, йўқми? Мен, ахир бир соатдан бери «мик» этмай ўтирибман.

— Ҳа, оғайни биров қувиб келаятгандай шошиб кетаяпсан?

— Хотинингга байрамлик деб шляпа олудим.

— Ҳўш, нима бўпти?

— Уйга етгунимча мода ўзгариб қолмасмикин деган ташвишдам.

ЭЪЛОН

Самарқанд Тиббиёт
институтини томонидан
ХОДЖАНОВ


Искандар Юнусовича

1983 йил 29 июнда берилган

ИВ-1 №266110 рақамли

диплом йўқолганини сабабли

бекор қилинади.

КРОССВОРД

Газетанинг ўтган сониди берилган кроссворд жавоблари:

Энига:

1. АЕК. 3. Хур. 6. Нон. 8. Хум. 10. Ана. 11. Оми. 12. Гул. 13. Фин. 14. Сўз. 15. Рух. 16. Тут. 17. Тасма. 18. Ирк. 19. БРА. 21. Ака. 22. Бек. 23. Ари. 27. Акбар. 28. Карам. 30. Лаган. 32. Машварат. 33. Брижтаун. 35. Қўҳна. 37. Амома. 38. Чилла. 40. Кар. 42. Ура. 44. Аза. 46. Асл. 48. Ақл. 49. Томоқ. 50. Сон. 51. Дув. 52. Фол. 53. Рур. 54. Изн. 55. Ола. 56. Онт. 57. Кон. 58. Тос. 59. Бор. 60. Ара.

Бўйига:

1. Ангоб. 2. Калта. 3. Ҳафта. 4. Рента. 5. Диагнос. 6. Насаб. 7. Нозик. 8. Хирка. 9. Маҳси. 20. Рак. 24. РИА. 25. Парвона. 26. Гастрит. 27. Аҳмоқ. 28. Коала. 29. Марва. 31. Нинза. 34. Хокимият. 36. Ўра. 39. Лас. 40. Кодак. 41. Равон. 42. Улфат. 43. Атлас. 44. Ақраб. 45. Асрор. 46. Анита. 47. Лўнда.

Тузувчи: Х.НИШОНОВ